



№ 52  
А 83

Асад Асиров

# ТОҒЛИКЛАР





1914

1914

821 512.123  
123

---


*Асад Асилов*

---

# ТОҒЛИКЛАР

Қисса ва ҳикоялар

пр 24



Тошкент  
Фирӯзгулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси  
1992

Уз 2  
А 83

А 4702620201—122 10—91  
М 352 (04)—92

© Асиров Асал, 1992 й.

## ТОҒЛИКЛАР

### Қисса

Ватан надир — туққон ерим, гурғон ерим,  
Усиб-униб, ўйнаб-кулиб юрган ерим...

*Сидқий Хондайлиқий*

### 1 боб

Мажлисдан кейин раис ўзини кўтаролмай қолди. Ҳамма чиқиб кетган, у эса ўтирган ўрнидан қўзғалай демас эди. «Мана шунақанги ғалвалар ўлдиради-да, одамни! Соппа-соғ юриб туриб, бирпасда думалаб кетаётганларга қараб яна ажабланишади, — оғир хаёл остида эзиларди Қоратоев. — Бу аҳволда ўзим ҳам кўпга бормасам керак...»

Эшик оҳиста очилган эди, раис бош кўтариб, Бозорбойни кўрди. Унга ғазаб билан тикилди. Тикилиб туриб, бирдан кўнгли бўшаб хўрсинди.

— Ўлиб қолган бўлса уйига элтиб ташлай, деган «яхши ният»да қайтиб келдингми, ўғлим?..

Раиснинг овози тиқилиб-тиқилиб, титраб чиқарди. Мижжаларида жимирлай бошлаган ёшни куёви кўриб қолишдан ор қилди-ми, бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб олди.

Мажлисида айтган гаплари раиснинг уёқ-буёғидан ўтиб кетганини Бозорбой жуда яхши биларди. Айтмасликнинг ҳам иложи йўқ, эртага кеч бўлади. Кейинги фойдаси йўқ дод-войнинг кимга кераги бор? «Энди нима қилиб бўлса ҳам юпатиш керак, — ўйлади у. — Қон босими юқори, устига-устак қанд касали...»

— Ҳаммасини ўзингизга олаверманг-да, — деди бош агроном босиқлик билан.

— Қилғиликни қилиб, тағин кўнгил беришади булар! — жойидан туриб кетди Қоратоев. — Агар ишонсанг, мана шу ўринни ҳозироқ сенга ҳеч миннатсиз бўшатиб берардим! Ке, барака топкур, ҳаммасини ўзинг тартибга солгин. Жири-жирдони қуриб кетган ерларниям бир-икки йилда семиртирвор, алмашлаб экишларниям қотирвор, қисқаси, билган ишингни қилгин!..

— Қўйинг, шунақа гапларни! — сал қизишган Бозорбой дарҳол ўзини қўлга олиб, суҳбатни юмшатишга уринди. — Жаҳлингизни қўзғатадиган бирон нима дедимми, дада?

— Ие, ҳали муғамбирликниям ўргандингми? — баттар кўтарилиб кетди Қорабой раис. — Ҳамманинг ўртасида обрўйимни бир пул қилдинг-ку! Бояги айтган «доно насиҳат»ларинг дарров эсингдан чиқибди-да! Қидирганинг нуқул «янгилик». Сендан бошқалар

калла ўрнида ошқовоқ кўтариб юришибдими?! Бошингдаги дўп-пимидики, ҳаммасини зумда чир айлантириб қўя қолсанг?! Жа, индамаган сари... Иззатингда тургин-да, энди!..

Қоратоев буёғига ўзини босиб ўтиролмади, «гурс-гурс» бориб деразанинг иккала табақасини ланг очиб юборди. Қоп-қоронғи кўчага тикилган кўйи рўмолча билан бўйин, юз-кўзларини артди, бурнини қаттиқ қоқди. Орага совуқ сукунат чўкди. «Елғиз кетмасин, уйғача кузатиб қўяй, деган ниятда қайтиб кирган Бозорбой ноқулай аҳволда қолди. «Кўпчилик орасида индамаган эди, бутун заҳрини «тили тагида» сақлаб... Майли, юрагини бўшатиб олсин, феъли маълум-ку, пов этиб тошади, бирпасдан кейин тушади. Этиги билан гаплашганим маъқул. Минг қилгандаям қайнотам...»

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, дада, — орадаги жимликни яна бузди Бозорбой. — Аслида, сиз ҳақсиз, — чиндан ҳам сабзавотнинг даромади мўл. Энди, халқнинг хоҳишигаям қулоқ солмаслик бўлмас. Бутун қишлоқ шу ариқдан сув ичади. Одамларнинг оғзидан сувни терс оқизиб, довонда пиёз экиш... Бу экин, ўзингиз яхши биласиз, кўпчиликнинг қўлига боғлиқ. Утоғи, йиғим-терими...

Қоратоев кескин ўгирилди. Унинг қоп-қора кўзлари электр нуриданми, ғазабданми... чақнарди.

— Ўйлаб айтвотсанми шу гапларни?! — деди раис бош агрономнинг бунчалик «нодон»лигидан ажабланиб. — Токнинг машаққати пиёзникидан кам эканми?! Хўп, сувни-ку, озроқ ичар. Ҳар йили кўмиб-очишлар, дорилаш, хомток қилиш, сўридан тушириб-кўтарилишлар-чи? Буям майли-я, — Қоратоев Бозорбой томон энгашиб, овозини сал пасайтирди. — Ҳукумат токни камайтир деб, печа йиллардан бери жаврайди, сен бўлсанг...

Бозорбой беихтиёр кулиб юборди. Бу кулги раисга тарсакидек тегди.

— Бас қил-э, масхарабозликни! — деди у чақчайиб. — Нима, маймун ўйнатвотманми, вақиллайсан?! Ноўрини кулги бошга кулфат солишни билмайсанми?!

— Ўзингиз қаёқдаги қизиқ гапларни айтиб одамни кулдирасиз-да, — очилиб-яйраб гапини давом эттирди Бозорбой. У нима қилиб бўлса-да, раисни жаҳлидан туширмоқчи эди. — Авваламбор, ток камайтирилсин деб, ҳеч ким айтган эмас. Навларни яхшилаш, винобоп токларни мазали хўракиларга алмаштириш ҳақида гап бўлгани рост. Аслида шу масала кўтарилган йиллари бу ишни бошдан ошириб юбориш керак эди. Ҳамонки, чўзилиб келдими, яхшиси, шу вазифани менга топширинг. Ахир ҳамманинг кўзи олдида очиқ айтдим-ку, маъсулиятини ҳам бўйнимга олдим-ку! Қаранг, иқлими ажойиб тоғ шароитида яшаймиз: аччиқ шамолларнинг йўли тўсиқ, қор қалин тушсаям бутун қиш илиқ кечади. Яна айтаман: бундай шароитда токларни сўридан тушириб, кўмиб ўтиришга зарурат йўқ. Турган жойида кесилади, бемалол ўсаверади. Янги экиладиган хўраки нав кўчатларниям бошдан совуққа чидамли — аймоқи қилиб ўргатсак, меҳнати икки баравар қисқариши ҳисобига даромади шунча ортади...

— Э, қўйсанг-чи, қуруқ сафсатани!

Раис ҳовуридан сал тушган, аммо сира бўй бергиси келмас эди.

— Нимаси сафсата? Ишонмасангиз, мана, ўзингиз ўқиб кўринг. Бозорбой қандайдир газета қирқимини узатди. Қоратоев кўзойнагини бурнининг устига қўндирди-да, истар-истамас кўз югуртирди. Мақола ҳақиқатан анча қизиқ эди. «Ока дарёси соҳилига жойлашган Муром шаҳрининг Плеханов кўчасидаги ўттиз бешинчи уйда Ҷолу кампир — Виктор Николаевич Неритов билан Елизавета Михайловна Неритова истиқомат қилишади. Уларнинг ўн икки сотиҳ томорқаси бор. Бу антиқа боғда юз турдан ортиқ ўсимлик ўсади: лимондан тортиб ёнғоққача; помидордан нокқача. Айниқса, хонадон соҳиблари токка ихлос қўйишган. Улар бу ўсимликнинг йигирма тўрт хилини иқлимлаштирган. Уша навлар элик даража совуққа ҳам чидайди, кўмилмайди...»

— Бекор гап, газетачилар хаёлига нима келса ёзаверар эканда, — қўл силтади раис.

— Сиз ишонмассиз. Лекин мен Виктор Николаевич билан алоқа боғладим, хат ёзишиб турибмиз. У киши ўзи яратган янги навларининг кўчатларидан юборишни ваъда қиляпти...

— Ваъда?! Ҳоҳ-ҳо! Ҳали келди-ю, экдинг-у...— Қорабой раис ижирғаниб юзини четга бурди.— Қаёқдаги Сибирдан гапиргунча оёғинг остига қарасанг-чи! Бу ер сенга колхозми, ё илмий-текшириш институтми?..

Шу пайт эшик шахт билан очилиб, Бозорбойга қўшни йигитча шошилинич кириб келди.

— Бозорбой ака, тез юринг, кеннойим!..— деди у ҳовлиқиб. Бозорбой беихтиёр раисга қаради-ю, унинг боқишларидан ғазабдан ўзга нишона тополмай, юзини дарҳол четга бурди. Хотинининг ойкуни яқинлиги ёдига тушиб, шу заҳоти кўчага отилди. Қўшни йигитчаниннг машинасида бир пасда этиб келишди... Қоратоев юраги шнғ этиб кетса-да, Бозорбойга хўмрайиб тураверди. Аммо кўёви ғойиб бўлгач, ўзи ҳам хонага сиғмай қолди. Бир-бир босиб уйига жўнади.

Аҳвол Бозорбой ўйлагандан ҳам оғир эди. Тўлғоқ азобида қоврилиб ётган Қорасочнинг қон қочган юзидан ҳаёт асари йўқолиб борарди. Буни кўриб, аъзои бадани бўшашиб кетган йигит хотинининг қизиган пешонасига кафтини босди:

— Мен келдим, жоним!..

Қорасочнинг киприклари пирпираб, кўзлари базўр очилди. Сизиб чиққан ёш томчи-томчи бўлиб икки чаккасидан ёстиққа думалаб кета бошлади.

— Бормисиз, азизим! Шукр. Ҳаммаси ора йўлда қоладиган бўлди... Ниятим — ўғил кўрсак, Ерқин қўйсак... дедим. Кечиринг, бир сирни сиздан яширдим... Хат... Ҳаммаси ёзилган. Уқирсиз. Айб-дорман! Рози бўлинг. Оҳ, ўляпман!..

Зўрға швирлаётган хотинининг кейинги гапларини Бозорбой эшита олмади. Қорасоч ниманидир айтмоқчи булар, лаблари қимирларди, холос. Бозорбойнинг оғзига юпатишдан ўзга сўз келмасди:

— Сен... бу гапларни қўй, ҳозироқ докторга олиб боиаман, сабр қил, жоним, ҳамма азобдан қутуласан, сабр қил...

Шундай оғир дамда қўшни йигитча яна Бозорбойнинг корига яради. Улар туғруқхонага жуда тез етиб бордилар. Аммо Қорасоч бутунлай мадордан кетган эди. Ваҳмадан ўзини йўқотган Бозорбой хушсиз хотинини кўтариб олиб, туғри туғруқхонанинг ичкарасига юрди.

— Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар!!!— бақирди у йўл-йўлакай.

Ичкаридан олдинма-кетин отилиб чиққан икки аёл, уйқули қўзларини пирпиратишиб, Бозорбойга тикилишди. Улардан бири шу заҳоти йигитнинг йўлини тўсди:

— Ҳов, ака, бу ер туғруқхонами, ё молхонами?! Оёғингиздаги савилнинг аптига қаранг!..

Бозорбойнинг кирза этиги балчиққа беланган, бутун уст-бошига лой сачраган эди. Қўлидаги беҳуш хотини зўрға-зўрға ингра-ниб қўярди. У тили «бурро» қизга шундай ўқрайдики, орқароқда турган аёл йигитни дарҳол юпатишга тушди.

— Ташвишланманг, укажон, ҳаммаси яхши бўлади.— Шундай дея у ёнидаги қизга буюрди.— Қани, дарров аравагани келтириб, аёлни ичкарига олинг!

Буниси врач эканини билиб, Бозорбойнинг кўнгли сал таскин топгандек бўлди. «Врачнинг қўлига етказдим-ку, бахтимга зора...»

Оқ халатлилар чап томондаги коридор бўйлаб Қорасочни элт-иб кетдилар. Даҳшатли қўрқув яна юрагини гижимлай бошлаган Бозорбой ўзидан узоқлашиб бораётган хотини ортидан тикилиб турарди. Улар қайсидир хонага кириб, кўздан ғойиб бўлишгач, изига қайтди.

«Хотинининг мендан яширган қанақа сирни бўлиши мумкин?— уйларди бир чеккада шумшайиб ўтирган йигит.— Ҳаммаси хатда ёзилган, ўқирсиз, дедими? Қанақа хат? Қаерда у?! Худо кўрсатмасин... Йўқ-йўқ, туғаётганлар фалокатга учрайверса, дунёда одам зоти қолмайди-ку! Врачга яхшироқ муомала ҳам қилмабман. Ишқилиб, омон-эсон қутулсин-да! Бахтимга соғ-солومات қолса қанақа гуноҳи бўлсаям... Йўғ-э, Қорасочда гуноҳ нима қилсин? Туғилгандан бери бирга ўсдик. Майдон уйда-ю, қўрғон уйда қўшни эдик, доим кўзимиз кўзимиздан узилмасди. Ҳарбийга жўнаганимдан то қайтганимча хатни канда қилмади. Ёки институтда ўқиб юрган кезларимда... Нималар деяпман ўзи? Беш йил давомида учрашмаган бирон-бир ҳафтамиз йўқ эди-ку! Врач буламан, деган илинжда юрарди, шўрлик. Имтиҳонларга ҳам ўзим бошлаб тушгандим. Утолмади. Ёки шумикин армони?.. Туғри, қийин аҳволда яшадик, шундан кўнгли тўлмадимикин? Ҳаммасини ўзи айтиб берсин, ишқилиб. Ундан зиғирча шубҳаланиш, ёмон хаёлга бориш мумкинми?! Ўзим-чи, ўзим кимман, ахир?! Қошқийди, менга ўхшаб виждонсизликка йўл қўйса-ку, ора очиқ бўларди-я!.. Йўл қўйиш тугул, унақа ярамасликларни хаёлига ҳам келтирмайди...»

Бозорбой виждон азобида лов-лов ёнаётган юзини катта кафтлари билан тўсиб ўтирарди. Унинг қалбида студентлик йилларидан қолган бедаво дард бор. Даф қилиб бўлмас бу бало вақт-бе-

маҳал бостириб келади-да, бутун жону жисмини исканжага олади. «Юронғич» деб ном олган суюқоёқ курсдошига айбини ағдариб енгил тортмоқчи бўлади-ю, қайда? Шу заҳоти ўз-ўзини сўроққа тутлади, ўз-ўзини қийин-қистоққа олиб фош этади. «У мени зўрлаб етакламаган-ку!» «Жилла қурмаса, умрингда бир марта маншат қилгин», деди. Ўзим, ўз ихтиёрим билан бордим. Ичувчи-ю, чекувчилар тўпланишган оғухонада ярим яланғоч аёлларга маҳлиё бўлиб қолганим ёлғонми?! Чет эллик фоҳишалар жазавага тушган фильмлардан кўз узолмай ўтирганим-чи! Тўғри, шунақа жойга боришим, ўша курсдошим айтганидай, биринчи ва охиригиси бўлди. Аммо шу ифлослик умр бўйи эсимдан чиқармикин? Ҳеч бир дори кор қилмай, жонимдан умидимни узганимни унутармикиман?! Тоғлик табибнинг дараги қулоғимга чалинмаганда-ку, ит азобда ўлиб кетардим. Шу расво ишларимни Қорасоч сезмади, деб бўладими? У билиб билмаганга оларди ўзини. Ахир боши очиқ қиз эди-ку! Кимсан — раиснинг қизи! Агар севмаса товуқ каталагига ўхшаган чолдевор-уй, ёнида ҳемириси йўқ етимчанинг унга нима кераги бор эди! Шундайини покиза қиз севгисига хиёнат қилиш... Қасосли дунё дейдилар, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлади. У ҳам аччиқ устида балки... Йўқ-йўқ, Қорасочимнинг фариштадай поклигига ишонаман. Омон-эсон қутулсин, ўтмишдаги бутун қилмишларимни очиқ-ойдин гапириб бераман. Тиз чўкиб узр сўрайман! Биламан, кечиради, ранжиганиниям сездирмайди. Ўша касофат ишимнинг касрига қолмасайди, шўрлик...»

Бозорбой шарпа сезиб бошини кўтарди. Қаршисида ҳалигина уни жеркиб солган қирғийқош ҳамшира турарди.

— Шу ердасиз? Ҳозир врач чиқади, сизга гапи бор экан,— деди у негадир энди мулойимлашиб.

Ҳамшира гапини тугатар-тугатмас, оғзи-бурни дока билан ўралган врач кўринди. Бу аёл ҳам йигитга ботиниб қарай олмасди. У титроқ қўллари билан дока боғичини ечиб, оғзи-бурнини очди-да:

— Сизга жудаям ачинаман, ука. Хотинингиз бечора ёш кетди, увол кетди,— деди лаблари титраб. Кейин, негадир, кўчага юрди, эс-ҳушидан айрилган Бозорбой унга эргашди. Бозорбойнинг юз-кўзидан олам-жаҳонни босиб кетгулик ёш оқарди. Тенгқурлари ичида дийдаси қаттиқ саналган бу йигит умрида илк дафъа унсиз, дод-фарёдсиз йиғламоқда эди.

— Бахтингизга ўғлингиз омон қолди...— Бозорбой учун, сал бўлса-да, таскин изларди аёл.

Врачнинг гапи узоқ-узоқдан эшитилаётгандек эди. «Бахтимга ўғлим омон қолибди... Менда бахт нима қилсин, энди?!» Бозорбойга хаёллар тутқич бермас, врачнинг юпатишлари ҳам қулоғига кирмас, кимни айблашни, кимдан ўч олишни билмасди. Юрагининг энг тўрида эса бир тош қадалиб ётарди: «Қорасоч менга нимани айтолмай кетди? Улим билан юзма-юз турганда ҳам айтишга йўл бермаган бу сир... Шу жумбоқ битилган хат қаерда, кимнинг қўлида экан?» Бозорбой ўлиб ўлолмас, яшаб яшай олмас эди...

\* \* \*

Қоратоев шу тун уйига қайтгандан кейин ҳам тинчий олмади. У энди қизидан — нозик-ниҳол ўсган тўнғичидан ташвиш тортарди. Хотинини ҳам ухлатмади. Юраги терак баргидек титраб турганига қарамай, Тожинор опа эрини юпатишга уринарди:

— Нега ваҳима қиласиз, фарзанд кўриш қувонч-ку!

Машаққатли тун ўрнини бузарган тонг эгаллай бошлаган бир пайтда ҳовлидаги сўрида ётган эр-хотин қулоғига хунук йиғи товуши кирди. Югуриб кўчага чиқишди-ю, ўзлари томон ҳўнграб келаётган Бозорбойни кўриб, шум хабарни сезишди. Қорабой раиснинг мағизранг юзи баттар қорайиб, кучала тусига кирди. У чидаб туролмади, Бозорбойни бағрига босганча ўкириб юборди. Тожинор опа кийимларини пора-пора қилиб дол солар, «Вой болам! Онасига зор бўлган болам!» деб фарёд урарди. Ўз бошига ўзи муштлаётган ота оғзидан нуқул бир гап чиқарди: «Ўзим тилаб олдим ажалингни, қизим! Ўзим сўраб олдим ажалингни, қизим!..»

Бу полани эшитган Бозорбойнинг кўнглига беихтиёр шубҳа оралади. «Бу одам нега унақа деяпти? Ёки Қорасоч менга айтолмаган сирининг отага дахли бормикин? Хат-чи, кимнинг қўлида экан?»

Бозорбой қайнотасининг қўлтиғидан сўяб уйга олиб кирмоқчи бўлди:

— Дада, ичкарига кириг...

— Э, қўйвор!— силтаб ташлади уни Қорабой раис.— Бу ерда сўлжайиб тургандан кўра шофёрни чақириб, шўрлик қизимни обкелсанг-чи! Тиригида хор қилганинг етмаганмиди, ўлигини қаёқда қолдирдинг?!

— Бозоржон, болам,— шундай пайтда ҳам Тожинор она куёвиге қаттиқ гапиролмасди.— Неварамни ҳеч кечиктирмай ўз қўлимга келтириб беринг. Қизим ўлгунча ман ўла қолсам бўлмасмиди! Нуридийдагинамдан қолган туёқ она меҳрига зор бўлмасин!..

Бозорбой шофёрнинг уйига етиб боргунча ота-она фарёди қулоғига эшитилиб турди. Унинг олдида яна бир азобли жумбоқ кўндаланг бўлди: «Қорасочни қайси уйдан чиқарамиз?!» Ўзининг ғариб кулбаси, тўқсондан ошиб кетган бувиси... Аммо қўни-қўшни, қариндош-уруғ бор. Тоғликлар бошига кулфат тушгани ташлаб қўйишмайди: биров уни, биров буни кўтариб келади. Ўзлари елиб-югуриб, ўзлари пишириб-куйдириб айбингни ёпишади, дағал-дуғал гаплари, ярим яланғоч мақол-маталлари билан юпатишади...

Қорабой раис Бозорбойни бу ташвишлардан ҳам халос этди, ортидан энгил машинада етиб бориб, қизини ўз уйига олиб келди.

Улим содир бўлган ҳамма жойда ўзаро ўхшаш ҳолат ҳукм суради: бу ёруғ дунё вақтинчалик бекат эканини ҳамма бир қур ёдига олади. Тўғри, ҳозир қайғули маросимни ҳам салкам даб-дабага айлантириш одат тусига кириб қолди. Бозорбойникидақа фақир хонадонларда эса ҳамма йнғин тақир шолча устидаги эски-

туски кўрпачалару оддий патнислардаги қанд-қурс, нон-чой билан ўтаверади.

Қорабой раиснинг данғиллама ҳовлисига одам сизмай кетди. Бу ерга тўпланганларнинг аксарияти инсоний бурч юзасидан келишган. Соддадил тоғликлар орасида Қорабой раиснинг кўзига бир кўриниб қолиш илннжида туртиниб-суртиниб юрганлар ҳам йўқ эмас. Улар атайдан бориб, кўчадаги ўриндиқнинг катта тол кундасига туташ бурчида қорайиб-қуйиб ўтирган Қоратоев билан елка тақаб кўришиб ўтишарди.

Бозорбой чеккароқда, дўстлари даврасида бош эгиб сукутда турарди. Ким нима деяпти, нима қиляпти — фарқлагудек ҳолда эмасди. Жондан азиз кишисидан жудо бўлганлар учун ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Бундан нарёгига бирор кун, бирор соат, ҳатто бир нафас яшашнинг иложи йўқдек.

Шу бедаво кулфат Бозорбойни босиб тушди. Бошига бахт қуши кўниб, эндигина кўкрагини тўлдириб нафас олганида, баридан жудо бўлди. Жону жаҳонини ўз қули билан ерга топширди. Нам тупроққа бағрини босиб узоқ ётди. Аранг ажратиб олган эдилар, онасининг қабрига ўтди. Кичрайиб қолган дўнглик устидаги хас-чўпларга юз-кўзларини босиб шивирлади:

— Энди нима қиламан, кимгаям керакман, онажон?!

Қабр гунг эди, маслаҳат, йўл-йўриқ айтолмасди. Юртга отадек бўлиб қолган Иса бува, ҳамқишлоқ ўртоғи Жасур икки қўлтиғидан олиб йўлга бошлашди, юнатган бўлишди. «Ўғлицг бор, сендан умидвор бувинг бор, мана, биз бор, ҳаммамизга кераксан», дейишди...

\* \* \*

Таъзиянинг белешар куни эди. «Райижроком раиси келди» деган овоз ўриндиқларда секин-секин шивирлашиб ўтирганларни баравар қўзғатиб юборди.

Дарвозадан қуйироқда тўхтаган енгил машинадан ўртадан баландроқ бўйли, пастга солинган қорини сал дўппайган, қорамтир рангдаги от юзли одам тушди. Кетма-кет орқа эшик очилиб, ўғирмисол бир гавда калтабақай оёқларини ерга қўйди. Сал олдинда келаётган новчанинг туя одамларига етиб олиш учун орқароқдаги пакана шошган ўрдакдек зўр бериб лапанглар, бу ҳол цирк масхарабозларини ёдга туширар эди. Баъзи кулгиси қистаганлар дарҳол пастки лабларини тишлаб, бошларини қуйи эгишди. Таъзия бошидан буён ўтирган жойидан бирон марта қўзғалмаган Қоратоев шошилиш туриб, келгучилар қаршисига юрди.

— Шўрим қуриб қолди, Омонтой ака! — новча билан кўришди у. Олдиндаги райижроком раиси Олтинбоев эканини одамлар шундагина пайқашди. У Қорабой раиснинг елкасига қоқиб юпатар экан, «Қолганларнинг умри бевақт узилмасин, шулар бахтига ўзинг омон бўл», деб қўйди.

— Келинг, Абдуқаҳҳоржон, — кейиндаги калтабақайга ҳам қучоқ очди Қорабой раис. Атрофда турганлар унинг кимлигини бил-

мас эдилар. Бозорбойнинг ёнида турганлардан синчковроғи секин сўраб қолди:

— Анови пакана ким бўлдикин?

Бозорбой ҳали ўзини ўнглаб ололган эмас, бунақа синчковликлар унинг қулоғига ёқмасди. Шундай бўлса-да, одоб юзасидан чор-пачор жавоб берди:

— Район йўл бошқармаси бошлиғи Абдуқаюмов.

Бу пайтда райижроком раиси яқин келиб қолган эди. У қўл қовуштириб турган азадорларга хиёл бош қимирлатиб ўтар экан, назари Бозорбойнинг юзидан бир зум қотиб қолди. Қуюқ қошлари сал чимирилиб, қорамтир юзи кўкиш тусга кирди. Шу заҳоти терс бурилди-да, илдам юриб ичкарига кириб кетди. Ундаги бу ўзгаришни Бозорбой туғул бошқалар ҳам сезишди.

— Сени кўриб шайтонлаб қолаёзди, тиңчликми ўзи?— сўради Жасур.

— Баттар бўлмайми!

Бозорбой ижирганиб, нари кетди. Ҳеч қандай гап-сўзга унинг тобу тоқати йўқ эди.

Алоҳида хонада ўтирган мўътабар меҳмонлар бир оздан сўнг Қоратоевни чақиртириб олдилар. Раис анча вақт йўқ бўлиб кетгач, меҳмонлар билан бирга чиқди, машинагача кузатди, қайта туриб у ҳам Бозорбойга нафрат билан тикилиб у ёққа ўтди-бу ёққа ўтди, ниҳоят, ичкарига кириб кетди-да, қайта кўринмади. Бир оздан кейин кимдир районга қўнғироқ қилиб. «тез ёрдам» чақирди. «Раиснинг тоби қочибди», деган шивир-шивир гап тарқалди.

\* \* \*

Бозорбой мушкул аҳволда қолган эди. Хотинининг ҳар бир маросими ўтказилаётганда, бўйнидан бойлагандек, қайнотасиникига боради, бир чеккада қовушмай туради-туради-да, кечқурун буви-сининг кулбасига қайтади. Қорабой раис мудом қовоғи солиқ, харажат, учун пул берса олмайди, нима харид қилайин, деб сўраса индамайди. Иса бувага аҳволни айтиб, маслаҳатлашган эди, бошини эгиб анча вақт тек қолди-да:

— Энди буяғигаям чидайсиз, ўртақ,— деди Бозорбойнинг ел-ҳасига қоқиб юпатаркан.— Асли бошида адашгансиз. Келли шўрликни кўникиб яшаган кулбасидан чиқариш керагиди. Кам-кўстни юрт кўтарарди, ҳаммамиззи сиримиз бир-биримизга мағлум-ку. Майли, бўлар иш бўлди, қисинманг, ўртақ...

Қисинмай бўладими, алл йигит туғилиб ўсган қишлоғига снгламай қолди, одамларнинг юзига қараёлмайди. Бувисин бечора эса ўзини айбдор сезиб, неварасига бир гап айтолмайди, меровланиб ўтираверади.

Хотинининг тифиз маросимлари ўтиб бўлди. Идорага бош суқнишга Бозорбойнинг оёғи ҳеч тортмасди. Лекин на илож, раиснинг ҳар доим осилиб турувчи қовоғига чидаши, зиммасидаги вазифани бажаришга киришиши керак. Қайнотаси нимадандир қаттиқ хафа,

ҳозирча ёрилмади. Ишга чиққан заҳоти катта кўнгилсизлик юз беришини, икки орада қаттиқ туқнашув бўлишини Бозорбой сезиб юрибди. Бу жанжалнинг бир учини райижроком раисига боғлиқлигини ҳам биледи. Олтинбоев келиб-кетгунча қайшотаси бунчаликка бормаган эди. Райижроком раиси қўлоғига ниманидир жойлаган. Шундан бери у кўёвини отгани ўқини йўқ.

«Ишга чиққанимдан кейин кўнгилсизликлар кет-кетига уланиб кетиши тайин, — ўзича режа тузди Бозорбой. — Бир кун — минг кун бўлмас, эртага Ёнариқбошига бир чиқиб келай!»

Қорасоч билан кечирган, эндиликда фақат ширин хотирага айланган йиллар ва йўллар уни ўзига чорларди.

Яхшиямки, уйқу деган мўъжиза бор. Эрталаб уйғонса, руҳи анча ёнгил тортибди. Бувиси бояқиш, ҳар доимгидек, чой-нон тайёрлаб қўйибди. Ўзи кўринмайди, ёлғиз сигирни подага ҳайдаётган бўлса керак.

Ёнгил-ёлпи нонушта қилиб олган йигит сув ёқалаб кетган сўқмоқ бўйлаб Ёнариқбошига жўнади. Айланиб-айланиб, тобора тоғ сари ўрлаб борувчи бу йўлнинг ҳар қаричи Бозорбойга қадрдон. Ҳеч қачон қайтиб келмайдиган болалик ва ўсмирлиги шу сўқмоқ ўзра сочилиб ётибди. Биринчи қор тушиб, тоғ этаккинасидаги майдон кулбасидан қўрғон уйига кўчгунларича мана шу йўлдан мактабга қатнарди. Қорасоч ҳам мудом ёнида бориб-келаверарди. Муҳаббат отлиғ мўъжизани, ширин висолни ҳам бу сирли сўқмоқ ҳадя этганди!..

Икки қалб қачон ҳамоҳанг бўлди-ю, қай маҳалда топишишди? Майдон қўшни бўлганиданми, йўлга кирганларидан буён бирга ўсанлари туфайлими, ёки тақдири азал деганлари шумикин?..

Бувиси айтиб берарди: чопқиллашиб ўйнаб-ўйнаб, обдан чарчаганларидан кейин бир ўринда ухлаб қолишаркан. Беғубор бу «келини-куёвга» қараб катталар севиनिшар, бахт-саодат тилашаркан. Фақат қизнинг дадаси рози эмас экан. Унинг қовоқлари қора булутдек осилиб тушаркан-да, хотинига зўғум қиларкан: «Қизининг у сағир билан апоқ-чапоқ юришига йўл қўйма. Урганиш бўлиб қолса, бўй етганда ҳам ажратиб ололмайсан!» Чехраси доимо қўёшдек чарақлаб турувчи Тожинор опа эрининг дўқ-давараларига жиямайиб жавоб бераркан: «Қаранг, қандоқ ширин! Буларни раижитгандан кўра, сизнинг юрагингизга гўлгула солаётган шайтоннинг бўйни узилса бўлмайдим!»

Бозорбой ариқ ёқалаб кетган таниш сўқмоқдан салмоқли одимлар билан борар экан, атрофга суқланиб тикиларди. Дарахтларнинг барглари «сичқонқулоқ» бўлиб қолибди. Чулдираб оқаятган ёнариқ ёқаларида қорамтир яшил «лашкар»лари терилиб туришибди. Қоқигул, қўзигуллар бутун атрофни қамраб олибдилар. «Мана мен» деб қад келган тоғлар-чи! Улар ям-яшил тусга кириб, гўё ҳар қачонгидан каттариб кетгандек, уйқудан эндигина уйғонган баҳодир мисол чуқур-чуқур нафас олаётгандек!

Тоғларни бирон кимса Бозорбойчалик қаттиқ севмаса, севолмаса керак. Булар ҳам Қорасочга боғлиқ ташналиклар эди. Унга муносиб бўлиш учун йигит эгиз тепаликларга тўхтовсиз югуриб

чиқарди!! Косачалари ичида қорамтир қўнғизчалар ғимирлашиб юрадиган қизил, тарғил тоғ лолаларини, равочу ажитларни шу қиз учун териб тушарди!

Ёнариқбоши эса чиндан ҳам ёруғ жаҳоннинг жаннати дейишга арзигулик жой эди. Эрта баҳорданоқ булбуллар хониш қилар, қарқуноқ, олатўғаноқлар уя талашишиб, думларини елпигичдек таранг қилиб, кун бўйи у ёқдан-бу ёққа учишарди. Ҳар йили келадиган чумчуқлар бозори-чи! Тариқ, ясмиқ, қўноқ, зиғир экканлар: «Ҳай гала-гала-у», «Ол гала-гала-и-ю-в-в» дейишиб, кун бўйи чумчуқ кўридилар. Сал бепарво бўлганнинг экинни эса чумчуқлар бири-бирига «ин»га ташиб кетишар, экин ўрни сочи чала олинган бола бошига ўхшаб қолаверарди. Қалин, бўйчан дарахтлар тунги шамол турган кезларда эгилиб-букилиб шовулларди, катта-катта харсангларга урилиб оқувчи сой суви бетиним вағилларди...

Бозорбой хаёллар билан банд бўлиб, Ёнариқбошига етганини билмай қолди. У ҳақкам-дуккам дарахтлар, пўпанак босиб чириб ётган тўнгалар, бўм-бўш сайҳонлардан ўта-ўта «Омоннинг боғи»га етди. Қадимда гуркираб турадиган бўстонлар қани?! Сув ёқасида тартибсиз ўсган, жангалзорга айланган ўн-ўн беш тул тутик, юқори уватда шохлари аёвсиз синдириб ташланган бир тул урик мунғайиб турибди, холос. Бу жойлар бор-йўғи кичикроқ сайҳон экан. Қишлоқлар итларнинг вовуллаши, хўрозларнинг қичқирғи билан файзли бўлганидек, ерга ҳам дарахтлар салобат бераркан. Дарахти кесиб олинса, ҳар қандай катта боғ ўрни ҳувиллаган, мунғайган бир бурда ташландиқ жойга айланаркан-қоларкан...

«Хўш, олдинги жаннатмакон боғларни ким шундай аҳволга туширди?! Ким бўларди, қайнотам, унинг югурдаклари... Бу одам ҳам олдинлари боғ шайдоси эди-ку! Мени ўқишга йўллади, падар мисоли ғамхўрлик қилиб, колхоздан иш берди. Ҳатто жондан азиз қизи билан турмуш қуришимизга монелик қилмади. Бу одамни йўлдан урган районнинг анови каттакони эканини ҳамма билади-ку! Йўқ, уни қўрқоқлик йўлдан урди, десак тўғрироқ бўларди, Қайнотам шу шайтоннинг измига тушиб қолди. Нима бўлсаям, жиловини бериб қўйди. Энди ўзини тиклаб олиши қийин. Тўғри гапни айтиб ёнига кирай десам, унамаса. Ҳамма иш орқага кетаётгани аниқ кўриниб турибди. Қорасоч ҳаёт бўлганда-ку... Орамизни боғлаб турган кўприк вайрон бўлди, бундан буён ранс мен билан фақат қасдма-қасдга яшаши тайин... Қишлоғимиз кишилари заи оми экан-да. Раиснинг: «Кимда ортиқча майдон бўлса жарима солинади, эгаси судга берилади», деган қўтқусидан қўрқиб...»

Бозорбой у кезларда мўйлови сабза уриб, овози ўзгара бошлаган ўспирин эди. Кўклам оёқлаб, майдон уйга кўчиб бориш тараддуди кўрилаётган бир пайтда бувиси гап топиб келди.

— Кўчмасаканмиз, болам. Ҳамма майдонини колхозга бериши керагакан.

— Нега?!

Бозорбойнинг бутун вужуди бўшашиб кетди. Ёнариқбоши боғларининг энг тепасидаги ўзларига қарашли жаннатмакон, унга боғлиқ ноқеалар кўз ўнгидан ўтди...

Сув чиқмайдиган қир этаккинасига қатор қилиб экилган йигирма-ўттиз хил ўрикзор. Оқ ўрик, баланд ўрик, туршак ўрик, қизил ўрик, шапка ўрик... Бири-биридан мазали, бири-биридан кўркли. Кейинги қаторда нокзор, олмазор, анжиру шафтолизорлар...

— Жон балам, булар дадангдан ёдгорлик, — қайта-қайта тайинларди бувиси. — Қарамасанг бора-бора қурийди, қарасанг кўкаради. Қариган-қуриганларини кес, ўрнига кучат эк, дадангни руҳиям шод бўлади. «Омонуллонинг боғи» дейишарди одамлар. Шу ном ўчмасин, балам.

— Майдонимни ҳеч кимга бермайман! — деди ўспирин ўжарлик билан.

— Элдан олдин майдонқўшнимиз Қорабой раис кўнипти, балам, — неварасини юпатишга тиришди кампир. — Ҳукуматни занги, бир нарса деб бўладими? Одамлар майдонминан овора бўлиб, колхозга иш бермай қўйишганмиш.

«Энди, Қорасоч ҳам кўчмайди, энди у билан бирга Ёнариқ бўйидаги йўлдан мактабга қатнамаймиз. Тунлари катта шаршара бўйида бирга ўтирмаймиз...» Бозорбойнинг ҳафсаласи пир бўлди. «Ҳукуматнинг занги»га кўнишдан ўзга чора йўқ экан.

Бўшаб қолган боғларга колхоз бошлиқлари дастлабки йил қоровул қўйди, мева-чеваларни ҳам чала-ярим тердириб юрди. Бу мевалар эса ташиб тўпланган жойида чириб кетди. Маош тўланмагач, қоровуллар ҳам йўламай кетишди. Ташландиқ боғларнинг аламзада эгалари эса дарахтларни ўтинга кесиб ола бошладилар. Буни эшитган Ойсара кампир бир куни Бозорбойни қистаб қолди:

— Жилла қурмаса, ёввойи нокларни кесиб келгин, балам, қишда коримизга ярар...

Болта яғриллаб бораётган Бозорбойнинг кўз ўнгидан сира кетмайди, шу йилги ваҳшийлик! Болалар, ўспиринлар гўлаланган жиққа ҳўл ўтинларни қатор-қатор эшакларда ташир эдилар. Уларнинг дадалари, ойилари гуркираб турган боғларни қийратишарди. Эндигина ҳосилга кираётган олмаю ўрик, ноку ток кундаларига аямай болта уриларди. Навқирон, сершоҳ дарахтлар, айби нима эканини билолмай, аянчли инграниб йиқиларди. Кўзи қонга тўлган боғ эгаси кейингисини ҳазон қилиш учун хезланиб жўнарди...

Бозорбой биронта дарахтига болта уролмади. «Ўғлим, нега ундай қилипсан?!» деяётгандай бўлаверди тушида ҳам, ўнгида ҳам кўрмаган дадаси. Қолаверса, бу дарахтларнинг анчасини ўзи экиб, улаб кўкартирган эди. Бари бир «Омонуллонинг боғи» ҳам соғ қолмади. Кимлардир уни кесиб, қийратиб кетдилар...

Бозорбой бир пайтлар гуркираган «Омонуллонинг боғи» ўрнида қолган эски тўнгакда ўтирган кўйи шартта кесиб туширилган доvon ва қишлоқдан терс тарафга чўзилиб кетган бетон ариқларга қараб ёйинар, лекин чорасиз эди. «Бўшлик қилдим, қайнотамнинг юзидан ўтолмадим. Ўз вақтида бу масалани юқорига маълум қилганимда, сув ҳам эгаларига қоларди, колхознинг неча

юз минг маблағи ҳам елга совурилмасди. Салдан кейин саратон кириб, йигирма-йигирма беш гектардаги экин ҳансираб ётганда ариқдаги сувнинг ҳаммасини бетон ариққа оқизиш шарт бўлиб қолади. Ёнариққа зор бўлиб ўтирган олти юз хонадон шунда нима қилади?! Ахир, ота-боболаримиз яшаш учун бу жойни бекорга танламагандир, уч-тўрт чақиримга эрмак учун ариқ қазимагандир? Ҳамма ҳаракату заҳматлар мана шу сув илинжида бўлганда. Қишлоқнинг номини Ёнариқ деб аташлари ҳам шу важдан, албатта.

Райижроком бошида турган очофатнинг йўриғи билан Ёнариқ-боши боғларини қайнотам хазон қилган экан. Энди яна ўша баднафс қаллобнинг кутқусига учиб, «янги ер очамиз!» баҳонасида сувни терс оқизиб ўтирибди. Шундоқ қолаверадими, уларнинг дегани-деган, айтгани-айтган бўлаверадими? Йўқ, чучварани хом санашибди. Курашни бошладимми, қайтиш йўқ! Ёнариқбоши боғларини қайта тиклаймиз. Иса бувалар бор экан, бу жойлар қадимгидек гуркираб кетиши тайин...»

Пешонаси, елкаларига тарс-турс урила бошлаган йирик томчилар зумда оқ жалага айланди. Ёз ёмғири бир ёғса ҳам бирақай ёғди. Бозорбой бўйнидан кириб товонидан чиқаётган сувга эътибор бермас, фикрини бир жойга жамлай олмас эди. Атрофни ўраб турган баланд тоғлар дақиқа сайин қорайиб, ҳавонинг «қовоқ-тумшуғи» баттар осилди. Гўё Қорабой раис, авзойи қаттиқ бузилгану Бозорбойга ўдағайлаётгандек. Қайсар йигитни ўрнидан қўзғатолмаган осмон қаҳрланганидан «қарс-курс» ваҳшатлади, олов тилларини чўзиб, уни куйдириб ташламоқчи бўлди. Бозорбой пинак бузмасди. Қўлларидан бирон иш келмаган қора булутлар, илон тилли чақмоқлар чекиниб, баланд чўққилар ортига ўтиб кетдилар. Кунботар томондан осмоннинг ости оқариб келмоқда эди.

## II боб

Уст-боши жикқа ҳўл Бозорбой обдан толиққан эди, иссиқ ўринда қотиб ухлади. Ўрнидан турса, қуёш анча кўтарилиб қолибди. Бувиси айвонда қурт думалоқлаб ўтирибди.

— Эртароқ уйғотмабсиз-да, буви,— деди ташвишланиб Бозорбой, апил-тапил кийинар экан.— Ишга неча кундан бери бормайман. Яна кечикдим. Энди қай юз билан кўринаман?..

— Кўзим қиймади, балам, чарчаб юрибсан. Бошинга тушган кулфатни билишади-ку, индашмас.

— Бошқалар индамасаям қудангиздан балога қоладиган бўлдим. Аслида кеча чиқишим керагиди...

Бозорбой шошилинч жўнаган эди, кампир тўхтатди.

— Очдан-оч қаёққа кетвотсан, кўзим, қозонда сут пишириб қўйибман, бир косагина ичиб кетгин. Ичинга иссиқ кирсин...

— Кераги йўқ!..

Бозорбой тушкун кайфиятда, ўзинча режа тузиб борарди. «Кеча эрталаб ишга кўриниб, Ёнариқбошига тушдан кейин чиққанимда-ку, бугун юзи қора бўлиб ўтирмасдим. Энди қанақа зугум қилсаям кўтаришга мажбурман. Ахир, хотинимнинг бутун маросимларини шу одам ўтказди. Қайнонам эса ўғлимни боқиб ўтирибди.

Тилқисиклик бундан ортиқ бўладими?!» У ўй сура-сура идорага етиб келди. Биринчи сезгани — идора хизматчилари негадир хушламайроқ сўрашишди. Бундан кўнгли баттароқ хижил тортган бош агроном тўғри раис қабулхонасига юрди.

— Ассалому алайкум, дада, кирсам майлими?

— Кириб бўлдинг-ку!..

Шу жавобнинг ўзиёқ Бозорбойнинг тарвузини қўлтиғидан тунширди. У остонадан ҳатлаб ўтган, энди на ичкари юришни, на қайтиб чиқиб кетишни билмай, серрайиб турар эди.

— Нега қоққан қозикдек қаққайиб қолдинг, ўтир.

Агроном бир чеккадаги стулга чўкди. Раис залворли одимлаб унинг қаршисига юрди. Бозорбой беихтиёр яна ўрнидан турди. Қайнота-куёв юзма-юз бўлдилар. Ўлжасига тикилган қора илондек, Қоратоевнинг кўзлари чақнар, бутун борлиғидан қаҳр ёғиларди.

— Дада деган сўзни сенинг оғзингдан бошқа эшитмай! Уқдингми ё яна қайтарайми?!

Қоратоев нафрат ва ғазабини жойлаб отган «ўқ» аниқ нишонга тегди. У таг-туғи йўқ сағирга ноиложликдан қиз берганлиги, ҳар замонда тил учудагина «ўғлим» деб қўйиши шу бугун аён бўлган эди. Бу камситиш Бозорбойнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Унинг тил-оғзини боғлаб келган юзхотирчилик, андиша бирдан йўқолди, кўзи мошдек очилди.

— Муҳтожлик ё хушомаддан эмас, хотинимга ҳурматим тунфайлидан шундай муомала қилардим.

— Қандай ҳурматинг бўлиши мумкин?! Қизим шўрликни ўзинг улдирдинг-ку!..

— Буни аниқлаймиз ҳали!— Бозорбойнинг овози титраб кетди.— Хотиним ўлими олдидан бир сирни айтолмади менга,— деди у раиснинг ғазабли нигоҳидан тап тортмай тик боқар экан.— «Ҳаммаси хатда битилган, ўқирсиз», деди, холос. Шу тўғрида балки сиз бирон нарса биларсиз?!

— Нимани билишим керак экан?!— ўтирган жойидан қайта туриб кетди раис.

— Ўша кунни нуқул: «Ўзим тилаб олдим ажалингни, қизим!» деган гапларингиз ҳеч қўлогимдан кетмайди...

— Вой, беандиша-ей! Сен куёв эмас, чиндан ҳам ашаддий ёв экансан-ку!— Бозорбойга яна юзма-юз келди Қоратоев.— Қайнотанг ўстидан булар-бўлмас далиллар тўплаб юравериб, ўз қилмишингни дарров унутибсан-да! Колхоз қурган уйлардан бирини берганимла бувингни сўзига кириб кўчмадинг-ку! Қизим туғруқ юзига дада ўлмаган тақдирда ҳам, куркунак инига ўхшаш томинг бир қилмасе-бир кун босиб қолиши тайин эди, билдингми?!— Қоратоев раис юрагидаги ғазабини бушатиб олгач, жойига ўтиб ўтирди. Бозорбойнинг қалб яраси яна тирналган эди. Қизи фожиага қўйиб қўлдан бу одам Бозорбой билан идорада айтишиб турган қилмишини кулги бошга кулфат солишини билмайсанми?!» деди унинг ўзининг бемаврид «фол очиши» ўз юрагида ўчмас доғ қолиши билан. У хизматчиларга сўзиб ўтирмади. Кўёвини яккаш айбонда

давом этди.— Сенда заррача меҳр-оқибат бўлганида, мени-ку қўявер, Омонтой Олтинбоевичнинг бетига куфр гаплар айтармидинг?! Ўзим қатнашишим керак бўлган актив йиғилишига, кўзи пишсин, одам танисин, деб сени юбордим. Қани, нима иш бажариб келдинг?! Ички сирларимизни ҳаммага дўмбира қилибсан, холос. Гапдан тўхтатмоқчи бўлган район ижроня комитетининг раисини қайтариб ташлабсан. Сени бу районга ишга келишинг, бирданига бош агрономлик лавозимини эгаллашинг кимнинг орқасидан эканини биласанми ўзи?! Ҳатто ўқишга киришингда ҳам йўлланма ёздириб берган шу «ёмон» эди-ку! Қўрнамаклик ҳам эви билан-да!..

Ана энди Бозорбойга ҳаммаси равшан. Қўринмас ип билан бойланишиб кетган одамлар... Юзхотирчилик, андиша, ўзаро «ака-ука»чиликларнинг оғир юки остида эзилиб қолган ҳаёт...

Район қишлоқ хўжалик актив йиғилишида «Ёнариқ» колхози бош агрономга ҳам сўз беришди. Бозорбой институни битириб, иш бошлаганига бир йилча бўлиб қолган эди. Шу вақт мобайнида кўзи кўрган, ақли етган пуқсонларнинг бир қисми ҳақидагина фикр юритди, холос. Ўз колхози, қишлоғи ҳаётидан мисоллар келтиргани рост. Ёнариқбошидаги боғларни тортиб олиб нимага эришдик, бекорга ҳаммасини хазон қилдик, деди. Кошки боғларнинг ўрнига бирон экин экиб бўлса. Икки тоғ оралиғидаги бўл-так-сўлтак қиялик, тошлоқдан иборат жойлар. У томонларга бирор техника боролмаса. Одамлар бўш пайтларида шу майдонларда овунишарди, етиштирган маҳсулотларини бозорга олиб чиқиб сотишарди. Олти-етти ой чорва молларини ҳам шу овлоқларда семиртиришарди. Гўшту ёғ, суту мева-чева сероб эди... «Майдалашмай, бўладиганини айтинг, ёки гапни бас қилинг!»— уни кесиб ташлаган эди мажлисни олиб борувчи Омонтой Олтинбоев. Бу «зўравонлик» Бозорбойнинг гашига тегиб, «бўладиган гап»ни ҳам айтиб юборган эди.

— Бир бизнинг колхоздагина эмас, районимизнинг жами хўжаликларида ер ўлиб боряпти,— деган эди очигига кўчиб.— Алмашлаб экиш, ўғитлаш, умуман ерни соғломлаштириш, асл ҳолига қайтариш хусусида кўрилаётган чора-тадбирларга фақат қўғозда амал қилинماпти. Чунки ер — давлатники. Унинг тақдири учун ҳеч ким жавобгар эмас. Агар ер одамларга шахсий мулк қилиб берилса, сираям бу аҳволга солиб қўйишмасди. Ўзларини боқмаса ҳам ерни боқишарди. Қаранг, нақадар шахсиятпарастмиз!.. Катта йўл чеккаларигагина гўнг сочилади, кўзга кўриниб турадиган далалардагина алмашлаб экилади, ичкарилардаги аҳвол — эски ҳаммом, эски тос. Текшириш учун келган комиссия идорадан қайтаверади. Ҳосилдорлик эса асосан янги очилаётган ўғирлик ерлар ҳисобига ошиб боряпти. Бизнинг Ёнариқбоши сувини терс оқизиб пиёз экилган доvon ҳам шунақа — ҳисобга киритилмаган...

— Бас қилинг, бемазагарчиликни! Агар шу гапларни ўттизинчи йилларда айтганингизда борми, насибангизга лойинини олардингиз!— уни жеркиб ташлади мажлис раиси.— Давлатнинг мулкни

бу киши одамларга бўлиб бермоқчи! «Ташаббус»ни қаранг! Шу гапларингиз учун, биласизми, истасак ҳозир ҳам...

— Биламиз,— деди Бозорбой минбарни тарк этаётиб.— Сиздақаларга қолса-ку, дарров ўттиничи йилларни тиклайсизлар...

Район оқсоқоли таъзияга келганда ичкари уйга Қоратоевни чақиртиргандан сўнг қайнотаси «тери тўши»ни бирдан терс кийишининг сабаби ҳам Бозорбойга энди аён. «Бу бечорада ҳам айб йўқ-да,— қайнотасига яна ён босмоқчи бўларди Бозорбой хаёлан.— Мутелик, кўр-кўрона ижрочилик, очигини айтганда кўрқоқлик эскидан ишлаб келганларнинг қон-қонига сингиб кетган. Бизнинг ўзларига ўхшаган бўлишимизни, эвазига келажакда «ўсиб-унишимиз»ни ҳастайдигина эмас, талаб ҳам қилишади...» Шу ўй Бозорбойнинг доворини босди.

— Мени тўғри тушунинг,— деди у вазминликдан чиқмай.— Уйда йўқлигимизда Қорасочининг буюмларини ортиб кетишибди. Ҳаммаси ҳам майли-ю, мен хатни топишим, ундаги ёзувларни ўқишим керак. Бу — Қорасочининг сўнги васияти эди...

— Биласан, қизимнинг бирон буюмига зор эмасман,— деди раис ҳам «одамбашара» тусга кириб.— Кенжа қизим — Қалдирғоч тишчлигимга қўймади. «Эгачимнинг ўрнига келадиган «ўлгандан қолган нарсалар» деб ташлаб юборади, ёки аллакимларга тарқатиб беради», деявергандан кейин... Қалдирғочга тайинлайман, қидириб кўрар.

— Мен нима қилай, ишга киришаверайми?

Бу саволни эшитган Қорабой раиснинг яна кўзлари олайди. Унинг асаблари жуда қақшаган эди.

— Уйингда чўзилиб ётавер бўлмаса, маошингням элтиб беришар!..

Бош агроном раиснинг қабулхонасидан хомуш чиққанини кўрганлар юз берган воқеани дарҳол фаҳмлашди. Шу куниёқ қишлоқда дув-дув гап тарқалди: «Бозорбойнинг иши ҳал, ёзга етсаям кузга бормайди...» Бундай гафғолардан қутулишининг битта йўли бор. Фақат иш овунтириши мумкин. Бозорбой ўзини қўлга олиш, ишни йўлга қўйиб юбориш учун жон-жаҳди билан тиришарди. Ҳар кун тонг бўзармасдан идорага, ундан далага кетувчи неваранинг «инжиқлиги» Ойсара кампирни ҳам қийнаб қўйди. Тўқсондан ошиб, юзни қоралаб бораётган қари жон кун ёришмасдан сигир соғар, сут пиширар, сал кечикса оч-наҳор жўнаб қолувчи неварасига уриниб-суриниб понушта тайёрларди. Бари бир кампир нолимас, ҳориб-толиб қайтган Бозорбой учун кечки овқат пишириб қўйишни ҳам унутмас, «чарчамадингни, кўзим», дейишни сираканда қилмасди.

Узукун елиб-югуриш, кет-кетидан келган ташвишлар Бозорбойни анча букиб қўйди: озганидан бўйи батарроқ новча кўринар, теп-текис пешонасида қатор чизиқлар пайдо бўлган эди. У ўзга нажот йўли йўқлигини, «Қил кўприк»дан ўтаётганини билар, чидарди. Шундай кезларда юрагидаги шубҳалар баъзан кучайиб кетади: «Бошимга қора кун тушса — гўдак ўғилчам, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда турган бувим қандай кун кўраркин?!» Бот-бот

ҳаётига келадиган бундай ўйлар анча вақтгача шаштини пасайтириб, «майда қадам» қилиб қўярди. Бахти чопиб, довлонлардан зарбма-зарб ошиб бораётган бир пайтда йўлиққан кулфат уни ерга чилларчин қўлатган, бутун орзуларини ағдар-тўнтар қилиб ташлаган эди. Лекин, нафсиламрини айтганда, қутилмаган бу кулфат йигитни яқсонлаш билан бир қаторда шундайин мусаффо бир оламга олиб ўтдики, у авваллари буни ҳатто тасаввур қилолмасди. Гуё шу пайтгача кўзлари юмуқ экан, бир сабаб билан чарақлаб очилди-кетди. «Ҳаёт қизиқ, жуда қизиқ: бетишга аччиқ тарсаки тортиб юбормагунча кўзларинг очилмайди, сираям очилмайди...» дея иқрор бўларди Бозорбой.

\* \* \*

Бош агроном минг тиришиб ишламасин, кундан-кунга назардан қолиб борарди. Авваллари у ҳам сўзини ҳеч ким қайтармайдиган раҳбар эди. Оғзидан нима чиқса бажонидил бажаришар, «келажаги бор, ўсадиган бола» эканлиги ҳақида қайта-қайта башират қилишарди. Энди бўлса, унга тўғри гапни ҳам раво кўрмай қўйишди. Гуё: «Сен ҳам одамми, юрибсан-да бир қорнингни ўйлаб...» дегандай муомалага ўтишди. Атайдан сазойи қилаётгандек, раис аллакимлар орқали унга ҳар куни ҳар хил иш топширарди. Ҳаммаси ҳам майли-я, бўлмағур гап-сўзлар тарқатишгани-чи: «Бозорбой хотинини қасддан ўлдирган экан, яқинда суди бўлармиш...» Бетайин мишмишлар қулоғига етса ҳам, Бозорбой бировга бир гап дея олмасди...

Афтодаҳол бўлиб юрган йигит дала кезар экан, бир гал хушук воқеанинг устидан чиқиб қолди. Оила бошлиғи вафот этган ғарибгина хонадон бекаси саккиз-тўққиз жужуқлари билан звено ташкил этиб, ҳар йили помидор экарди. Шундан тушган даромад ҳисобига улар амал-тақал қилиб кун кечириб келишарди. Бу оила бола-чақалари билан терган помидорлар вақтида ортилмай ирий бошлабди-ю, ёрдамлашадиган одам топилмабди.

Аёл арз-додини Бозорбойга айтди, бошлаб бориб аҳволни кўрсатиб йиғлади. «Кеча келиши керак бўлган машина фалончи бўйни йўғонникига кетиб қолганакан. Бугун анови прицепли тракторини юборишувди, ортадиган одам топ деб, давангирдай уч йигит сой бўйида салқинлаб ётишганини қаранг!— деди юрак-бағри тўкилиб.— Ҳой, барака топкурлар, қарашворинглар, ҳақларингни тўлайман, деб худони зорини қилдим, кўнишмади. Бола-чақамминан бутун йил бўйи қилган ҳаракатимиз ҳаббага чиқиб кетадиган бўлди...»

Оғир меҳнат эзиб-янчиб, пак-пакана қилиб қўйган аёлнинг ноласи тошини эритадиган даражада эди. Бейхитёр мушти тугилган бош агроном сой бўйига тушиб борди. Уч йигит ариққа ташлаб қўйилган қатор пиво шишаларни бир бошдан бўшатиб, қартабозлик қилиб ўтиришарди.

— Прицепли тракторнинг эгаси ким?— сўради Бозорбой феъли айниб.

— Нимаиди?— унга ўғирилди ҳабашдай қоп-қора йигитча ширакайф кўзларини сузиб.

Бурни кўтарилган бу ўспирин бош инженернинг тўнғичи эканини, у билан ади-бади айтишни яхшиликка олиб бормаслигини бош агроном биларди. Шундоқ бўлса-да:

— Озгина қарашворсанг чуринг тушиб қолармиди?!— деб юборди ўзини босолмай.

— Нега ҳақоратлайсан, э, катталигингга осдим!— ўридан туриб бетма-бет келди бош инженернинг эркатойи. Бозорбой унинг башарасига тарсаки тортиб юборди. Йигитча уч-тўрт одим тисарилиб бориб, ариққа ўтириб қолди. Қўлига илинган каттагина тошни Бозорбойнинг бошига қараб отди. Энгашиб қолган эди, тош учиб ўтиб кетди. Ўзи сари ғазаб билан келаётган Бозорбойдан капалаги учган ўспирин тура солиб тирақайлаб қочди. Тепаликка чиқиб олгач, бўралатиб сўкди. Обдан «тўкилиб» олгач, тракторни тариллатиб қаёққадир қораси ўчди.

Бозорбой сувда юз-қўлини ювиб сал ўзига келгач, ҳанг-манг бўлиб турган икки йигитга юзланди.

— Биттагиз машинани олиб келинг. Агар эринмасангиз, яшикларни ортишга қарашиб юборинг.

Йигитлар машиналарида колхозчиларни уйдан далага, даладан уйга ташир эдилар.

— Пастга тушмаймизи деб... Оғзимиздан келиб турибди-да.

— Сиз ёнимда ўтирасиз, мен ҳайдайман,— гапни қисқа қилди Бозорбой. Бош агрономнинг шу пайтдаги важоҳатидан қўрққулик эди. Бозорбой майкачан бўлиб, яшикларни узатиб турди. Икки йигит машина устида навбатма-навбат олиб тахлашди. Шофёрни ёнига ўтирғизиб, бош агроном машинани қабуллов пункти сари ҳайдади. Унинг бу даражада «қутуриб» кетганини ҳеч қачон кўрмаган нариги шофёр, «суюнчи олиш» учун колхозчилар гавжум жойга ғизиллади.

Бозорбой қуёш қизариб, нурсизланиб ботаётган бир паллада қайтиб келди. Далада ҳеч ким қолмаган эди. Бўшаган яшикларни шийпонга туширишди. Ўзини текин ишлашга қайта-қайта мажбур қилаётган бош агрономдан шофёр шу даражада хафа эдики, қовоқ-тумшуғи осилиб кетганди. Аммо бир оғиз эътироз билдиришга ҳам журъат этолмасди. Ниҳоят, ҳамма иш битди. Кўнгли жойига тушган бош агроном сойда ювиниб, қайтиб чиқса, шофёр қочворибди. Бозорбой кулимсираб қўйди: «Ишқилиб, қўл-оёғим юз ўғирмаса бўлгани...»

Қош қорайиб бормоқда эди. Подадан қолиб кетган сигирлар эринчоқлик билан бир-бир босишиб, уй-уйларига тарқалиб кетишмоқда. Йулнинг икки томонидаги ҳовлилардан кўкка тутун ўрляпти. Пиёда ўр тортиб бораётган Бозорбой пиёздого «жиз-биз»нинг исини туйиб, беихтиёр бир-икки тамшанди. Онласидаги аҳвол ёдига тушиб дармони қуриди, кўнгли баттар чўкди. «Ишдан боргунимча ҳар доим мазали таомлар пишириб, йўлимга интизор, қуёшдай жилмайиб кутиб олувчи Қорасочим қани?! Бувим бояқиш, бели обкашдек букилиб, нима ҳаракатдайи-

кин? Уям пизз жизгириб, бирор иссиқ пишириш пайдан бўлаётгандир. Намунча толесизман?!»

Ниҳоят, узундан-узоқ қия йўл тугаб, кичикроқ кўча чапга бурилди. Бу кўчанинг бир томонида қатор толлар ўсан. Уларнинг остидаги ариқдан чулдираган сув авваллари кечаю кундуз тинмасди. Тогдан келадиган анҳор терс буриб юборилгач, ариқлар «огиз-бурни»гача чанг-тупроқ, ҳар хил ташландиқларга кўмилиб қолаверди. Гуркираб турадиган толларнинг бир-бирига киришиб кетган шохлари сувсизликдан сийраклашгандек, қурий бошлагандек...

Бу дарахтлар — Бозорбойнинг бобосидан ёдгорлик. Мирвали чол тириклигида толларни авайлаб-асрар, шохларини бир текис ўстирар, гоқилик бўлгач, теп-текис қилиб каллаклаб қўяр эди. Уйлари шифтидаги тоқиларнинг ҳаммаси шу толлардан чиққан. Бобоси тол каллаклайётганда кесилган шохларни Бозорбой нарироқ ташиб тахларди, шу кўчадан мактабга қатновчи Қорасочга сочпопукларни ўғринча узатиб юборарди. Неварасига салгина эпкинни раво кўрмайдиган чол ҳам, кечагина сочпопук тақиб юрган Қорасоч ҳам тол остидан чулдираб оққан сув мисол оламдан ўтиб кетдилар...

Бозорбой оғир ўйлар оғушида бориб, қадимдан қолган жимжимадор эшик зулфинини ушлади. Негадир, очишга иккилангандай, остонада анча туриб қолди. Зилдай оғир эшикнинг сирли жимжималарига ўтмишнинг не-не сир-асрорлари жойлашгандек. Шу катта юк эшикчани эзиб қўйгандек. Бозорбой зил эшикни кўтариброқ очиб, сал энгашиб ўтди-да, бувисининг тафти сингиб кетган ҳовлига қадам қўйди. Худди ўйлаганидек: бувиси икки букилганча қовурдоқ пиширарди. Овқатни кавлаб ҳар бориб-келганида, қоқсуяк баданидаги ҳалвиллаган кенг кўйлак ер супурарди. Балхут тагида икки газ кўтариб қурилган сунадаги шолча устига кўриначалар тўшалган. Хонтахтадаги ёниқ дастурхон дўшайиб турибди.

Бозорбой бувисига билинтирмай супага чиқди, ялангқават шолчага чалқанча чўзилиб, икки кафтини бошига ёстиқ қилди. Шу кўйи осмонга тикилди. Кўкда чақнай бошлаган юлдузлар кўпайишиб қолган эди. Бозорбой ишдан қаттиқ чарчаб келган кезларида доимо шу алпозда — ялангқават шолчага чўзилиб дам оларди. У юлдузлар чаманига, учиб юрган ялтироқ нуқталарга тикилиб ётиб ўй суришни яхши кўрарди: «Бу коинотнинг боши қаёқда-ю, охири қаерга бориб тақаларкин? Қанча олам бор ўзи? Бир шеърда «ўн саккиз минг олам» деб ўқигандим. Оламнинг ўн саккиз минг эканлигини ким ҳисоблаб чиқдйкин? Шунча оламда наҳотки биздан бўлак бирор зот яшамаса?..»

Бугун Бозорбойнинг калласида бошқа ноҳуш хаёллар чарх урарди: «Иўк, бундан буёғига колхозда қолиб бўлмайди. Қийинчиликлардан-ку, қўрқмайман-а, судралиб, хор бўлиб юришга чи-долмайман. Яхшиси — қиргами, чўлгами бош олиб кетганим маъқул... Оҳ! Туғилган қишлоғимни ташлаб-а?! Мен-ку, бир амаллаб чидарман, кўникарман. Ўз қишлоғида колхоз қуриб берган бош-

қа уйға күчишга унамаган бувим-чи?! Қорасоч айтган хат тақдирни нима булади? Қайнотам кичик қизига айтдимикин? Қалдирғоч қидириб кўрдимикин? Сўрай десам, бу одам сузағон хўкиздек хўмайиб, яқинига йўлатмайди...»

Ойсара кампир инқиллай-синқиллай қовурдоқ кўтариб келиб, супанинг четига қўйди.

— Бозоржон, келганиниям пайқамабман, кўзим. Тура қол, совумасдан овқатийни еб олгин...

«Бувижоним-эй, ёлғизгина соябоним — сиз ҳам ўтиб кетсангиз, бу оламда мен қандоқ яшайман, шўппайиб?» Бозорбой, аялчли аҳволини билдирмаслик учун, дарҳол кўрпачага чордана кўрди-да, овқатдан чимдилади. Кампир қайтиб бориб чой дамлаб жолди, эмаклаб юриб супага чиқди, кенг этагига ўралганча ёлғизига юзланди:

— Хомушсан, балам, тан-жонинг соғми, ишқилиб?

Аслида-ку, кампир ҳаммасидан хабардор. «Балам ўзи эзилиб юрибди, гапирсам маникиям ошиб тушмасин», деб ўйларди. Қараса бўлмайдиган, тогдек невараси кун сайин сўлиб-сарғайиб, чўкиб боряпти. Буви бугун Бозорбойнинг кўнглига қўл солиш, иложи бўлса неварасини юпатиш, ақли етса тўғри йўл кўрсатиш илишжида гап очган эди. Бозорбой ҳам нечоғлик билдирмайин деган билан бу азобларни кўтариб юравериш учун бардоши қолмаётганини тобора кўпроқ ҳис қиларди. Бир кунмас-бир кун буви-сига очғини айтиши керак-ку!

Кампирнинг дардли сўрови неварани эзиб юборди.

— Бувижон, шу ранс ишлаб юраверса, мени икки дунёдаям кўкартирмайди. Қишлоқни шуларга ташлаб, чўлгами-қиргами кетай дейману сизни кўзим қиймайди-да!..

Ойсара кампир неварасига мўлтиллаб қаради. «Қошида ота-онаси, ака-укаси бўлганда-ку, балам шўрлик бунчалик эзилмасиди-я! Ман қоксуякни қоровул қилиб, ҳаммалари бош олиб кетиш-гапакан-да. Қошқийди, қўзичоғимга қувват бўлолсам, оёғига тирик кишанман.— Кампир жимгина ўйлар экан, неварасига юпанч, таянч қидирарди. Унинг кезиб юрган хаёли бориб-бориб яккаю ягона укаси — Каримшерда тўхтади.— Баламни қаноти остига олармикин? Қайдам-ов, укам тушмагур обдонам бегоналашиб кетди...»

Девқомат Каримга аввал тенгқурлари, кейинроқ бутун қишлоқ аҳли шер лақабини беришган. Қурашларда елкаси ер искамаган ёнариқлик йигит чап тиззага олиш, ётиб отиш ҳадисларига уста, унга рўбарў келган рақиб сира ўнгланоламасди. Бу — урушгача бўлган гаплар. Фронтда ҳам Каримшер шерлигини қилди: душманни қуроли ё мушти, баъзан белкураги билан «тинчитиб» юрди. Лекин ўқ деган газанда полвои-ночорни ажратиб ўтирмас экан. Бир снаряд зарби Каримшерни тупроққа кўмиб ташлаганда ҳам тирноқларини синдириб, жон талвасада ер бетига ўрмалаб чиқди-ю, ҳушидан кетди... Кўз очиб, қийнқ кўзлари ёниб турган бир қизни кўрди. Буни қарангки, ўша париван Каримшер томондан — тоғлар орасидаги Шайдон деган қишлоқда униб-ўсган Ой-

наҳон экан! Жанг майдонидан гоҳ қучиб, гоҳ опичиб бежавотир жойга олиб чиққан, даволаб оёққа турғизган, уруш тугагунча «кўз қулоқ» бўлиб юрган қизни Каримшер бир умр йўлдошликка таплади. Улар Ёнариқ қишлоғида оз вақт яшашига, Шайдонга — Ойнахоннинг ота-онасидан қолган ҳовлига кўчиб кетдилар. Каримшер шу жойдаги санаторийда ўзининг қадимги ҳунари — қасоблик ишига жўлашди...

Ойсара кампир бу воқеадан сўнг Каримшердан қаттиқ ранжиган, борди-келдини ҳам узиб қўйганди. «Ҳеч қачон, ҳеч кимдан йиқилмаган укамнинг кураги энди ерга тегди!» деган эди алам билан. Ҳозир бир суянчиққа зор, ўзимас, невараси туфайлидан. Ёлғизгинаси, данагининг мағизи, кўзларининг оқу қораси Бозорбойи учун Ойсара буви кўнгли тусаманган ошни ичишга мажбур эди.

— Балам, мани-ку, бошқа яққа кўчмаслигим тайин,— деди у ҳануз дадиллиги сўнмаган йўғонроқ товушда,— тўқсондан ўтиб, юзни қоралаб қолганимда қаяққаям бораридим? Сани йуригинг бўлак, ақлим етиб турибди, вақтинчаликка жой алмаштирмасанг бўлмайди. Мани десанг, чўлниям, қирниям қўй, тўппа-тўғри Каримшикига бор, тоғанг, иш-пиш топиб берар. Ажавамас, бахтинг яна очилиб кетса...

— Сиз-чи?! Сизни ёлғиз қолдириб кетолармидим, бувижон?!

— Мани бўри ермиди, қўзим? Беш йил ўқишинг битишини, бир йил армиянгни кутдим. Хавотир бўлма: ҳали-вери ўлмаيمان, сани тиниб-тинчишингни, болангни чопқиллаб юриб кетганини кўрмагунча ўлмайман, Бозоржон! Илло, ойна ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Тунов кунни қайинсинглинг келиб-кетди, ўғлийни кўтариб. «Поччамга бир гапим бориди», девди-я, кўришмадийларми?..

Бозорбойнинг юраги қалқиб тушди: «Қалдирғоч Қорасочимнинг хатини топганмикини?! Унда нега бувимга қолдириб кетмади? У қиз ҳам менга яхшиликни раво кўрмайди. Кўнгли тўғри бўлса, опасидан қолган буюмларни ортиб кетармиди?..»

— Мана шу гапимга кўн: бориб тоғанга учраш,— неварасини хаёлдан чалғитди кампир.— Яна биттагина тилагим — юриб кетгандан кейин ўғлийни қўлимга обкеб берсанг, ўзим боқи-иб ўтирсам. Овунчоғим, суянчигим бўлариди. Тузу насибам тугамаса, ажавамас, чеварамниям ўзим катта қилсам, унгаям уношилар пишириб берсам. Қўрқма, Ярқинжонимни қонини очириб қўймаيمان, мани бағримга келган бала нобуд бўлмайди... Айтгандай, наварамни Қоратоеп деб ёздиришипти-я, сан шунга кўндийми, балам?..

Бозорбойнинг ичида бирнима узилиб кетгандай бўлди, беихтиёр букчайиб қолди. Буни кўрган бувиси қўрқиб, дарров юпата бошлади:

— Майли, ишқилиб, жони омон бўлсин...

Бозорбой бувисини ранжитгани учун узр сўрамоқчи, яримта кўнглини кўтармоқчи эди. Кампир эса ҳечнимани кўнглига олманган, неварасини соғ-омон, бахтиёр кўриб юришдан ўзга тилаги

йўқ экан. Фақат қайнотасининг қилган иши... Куёвига энг оғир зарба урмоқчими, ёки... Бозорбой бувисининг кенг-кавур этагига юзини босди...

\* \* \*

Колхоз раҳбарияти мажлиси қисқа бўлди. Ҳамма тарқалаётган чоғда раис Бозорбойни олиб қолди. Қорабой раиснинг важоҳати обдан бузилган эди. Бозорбой яна бир кўпгилсизлик чиқишини истамай, Қоратоевга зимдан назар солди-ю, балога қолди. Кўзлари зўлдирдек ўйнаб, юзи қора чўнка бўлиб кетган раис, гап бошлаш учун важ тополмай турган экан, шу заҳоти чакаги очилиб кетди.

— Ҳа, ер тагидан мўралайсан, қизим қолиб энди менинг тагимга сув қуймоқчимисан, яламир?!— деди у овози борича бўкириб.— Истамайман! Сени қаматиб, эл-юрт олдида шарманда бўлишни истамайман! Шунини тушунасанми ё йўқми?

Бозорбой ҳайрон эди.

— Нима гап ўзи, тинчликми?— деди у ҳеч нарсага тушунмай.

— Бир инсонни, келиб-келиб бош инженернинг ўғлини итдек дўпслаган бу киши яна бақрайиб туриб, «нима гап» дейди-я! Мана акт, мана медицина хулосаси. Сен уни уриб, миясини чайқатиб юборибсан!..

— Бор машмаша шуми? Шунини жиноятга ҳисобласа бўладими?

Бозорбой хогиржам эди. Буни кўриб, Қоратоевнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Сендақа етимнинг бошини силаган мендақа етимпарварни...— У қаттиқ сўкинди. Бу билан ҳам ҳовурдан тушмади шекилли, кўзлари косасидан чиққудек бир алпозда яна ҳайқирди.— Жиноятчимасман деб керилиб юрибсанми ҳали?! Яхши, жиноятнингни очди қилганим бўлсин!— раис яна хонани зириллатиб борди-да, бутун бадани силкиниб, сейфни очди. Ундан конвертли бир хат олиб, худди шу зайлда Бозорбойнинг қошига қайтди.

— Мана, туғруқхона врачининг тилхати! Мановиси экспертиза хулосаси! Сен қизимнинг ашаддий қотилисан! Қийин-қистоққа ола-ола аввал юрагини ишдан чиқаргансан! Фарзанд кўриши мумкин бўлмаган бир аҳволга туширгандан кейин ҳам тинч қўймагансан, зўравонлик қилгансан! Шарманда бўлмасин деб, ҳужжатларни сейфга қамаб ўтирибман-а! Сен нонкўр, раҳмат ўрнига, йиғинларда вайсақилик қилиб, менинг обрўйимни тўкиб юрибсан! Муддаонг нима ўзи? Очиғини айтгин! Ё мана шу ўринми? Марҳамат, ке, утир! Утириб ҳам кўрарсан, чиндакасига ўтириб ҳам қўярсан!..

Бозорбойнинг ҳам ғазаби, ҳам хўрлиги келди.

— Мен хотинимнинг азиз номига ҳеч қачон доғ туширган эмасман! Туширмайман ҳам,— деди у овози титраб.— Турмушимнинг ички сирларига бирон-бир кишининг, ҳатто сизнинг ҳам аралашинингизга йўл қўймайман. Амал масаласига келсак, курсингиз

Ўзингизга буюрсин. Агар шунга кўз тиксам, менга минг лаънатлар бўлсин!..— Бозорбой ўзи сезмаган ҳолда раис сари бир-икки одим ташлаган эди, Қоратоев жонҳолатда қаршисида турган ҳисобчўтти чапгаллади. Бозорбой талвасага тушган қайнотасига ачинганнамо қараб турди-да, паст, лекин шиддатли товушда деди:

— Қўрқманг! Сиз билан амал талашмаётганимни исбот этмоқчиман, холос. Илтимос, бир варақ қоғоз беринг!

— Вазифамни уддалай олмаганим учун, ўз хоҳишимга кўра, ишдан бўшатишингизни сўрайман деб ёз, агар мард бўлсанг!

Раис алам билан шундай дея бир варақ қоғозни итқитди. Бозорбой тез-тез нималарнидир ёзди-да, раиснинг олдига ташлаб чиқиб кетди. «Вазифамни уддалай олмаганим учун, ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшатишингизни сўрайман», деган сатрлардан иборат аризани ўқиб кўрган Қорабой раиснинг ғазаби ўз-ўзидан тарқай бошлади. Туриб-туриб яна жаҳли кўзиди.

— Вай, олтин балиқча-ей! Ўзингни ос, десам булар экан, бу бошоғриқдан батамом қутулардим-қўярдим...

Қоратоев икки ўт орасида қолди. Бир томондан, ҳар учраганда қистайдиган, «анови ярамасни ҳайдадингми?» деб зуғум қилаверадиган Омонтой Олтинбоевдан қулоғи тинчийдиган бўлди. Аслида, Бозорбойга — ўғлидек бўлиб қолган йигитга адолатсизлик қилди. Бир ёнбоши ўпирилиб кетгандек сизди ўзини.

— Ҳаммасининг падарига лаънат, минг лаънат!..— столни қаттиқ муштлади Қорабой раис.

### III боб

Боғистон район партия кўмитасининг биринчи котиби Мухтор Ҳакимович, ҳар доимгидек, бугун ҳам азонлаб ишга келди. Унинг залворли қадам товушлари учинчи қават коридорида гурсиллаши ҳамона, ташкилий ишлар бўлимининг эшиги очилди-да, заиф йўтал эшитилди. Бу эса: «Мен шу ердаман», деган ишора эди. Мухтор Ҳакимович ўгирилиб қаради: чувак юз, қийшиқроқ бурун, калта олдирилган жингала сочли бош мўралаб турарди.

— Нозим Қозимович, салом, дарров киринг, зарур иш чиқиб қолди.— деди Мухтор Ҳакимович, кабинет сари одимлар экан. Нозим Қозимович «э... э... э...» деганича эшиқдан чиқа солиб, котибга эргашди. У салом бера олмагани, «қодобсизлиги»дан хижолатда эди.

Райком ташкилий ишлар бўлими мудири қирққа етмай елкалари тор, қорни шалха бўлиб қолган. Заъфарон юзида ва гаштдор бурнининг учиди туклари бор.

Нозим Қозимовичнинг ичкарига икки одим босиб, қўлларини қорни устига қовуштириб туриши қайсидир фильмдаги салбий қаҳрамонни эслатарди. «Бечора, ғирт ижрочи, хоксор одам...» Хаёлига шу фикр келган райком котиби:

— Қани, ўтиринг,— дея қаршисидаги стулга уни таклиф этди.

— Раҳмат, турсам ҳам қўлавереди.

— Ўзингизни эркинроқ тутинг, ахир!— бориб Нозим Қозимовичнинг қўлтиғидан олди Мухтор Ҳакимович.— Кимсан — район

партия қўмиғаси ташкилий-партиявий бўлими бошлиғисиз, бюро аъзосисиз!..

Бўлим мудирни бемалол жойлашиб олгач, биринчи котиб қўқ-қисдан сўрао қолди:

— Бу вазифага киришганингизга анча йил бўлдими?

Нозим Қозимович яна ўзини йўқотди, беихтиёр ўрнидан туриб минғирлади:

— Яқинда ўн уч йил тўлади.

— Утириб гапираверинг,— деди Мухтор Ҳакимович мийиғида кулиб. — Меҳнат отпускангизда дам олиш, даволаниш учун оромгоҳларга бориб турасизми?

— Кўпинча... ишдан қўл тегмайди,— деди мудир ҳамон қислиб-қимтиниб.

— Бир-иккита зарур юмушларни ҳал қилайлик, кейин йўлланма топиб берамиз, дам олиб, даволаниб келасиз,— дея Мухтор Ҳакимович суҳбатни асосий мавзуга бурди.— Ташкилий масалалар билан жойларга ҳам бориб турарсиз?

— Ҳа,— деб юборди-ю, Нозим Қозимовичнинг қулоқларигача қизариб кетди. Шу заҳоти илова қилди.— Асосан фаоллардан фойдаланамиз...

Гап нимадалигини фаҳмлаб олган Ҳакимов телефон трубкасини кўтарди:

— «Ёнариқ» колхозни партия ташкилоти котибини уланг... Жавоб бермаяпти? Унда колхоз раисини... Салом, Қорабой ака, Мухтор Ҳакимовичман. Бирор соатдан кейин идорангизда учрашамиз. Партком котибини ҳам чақиртиринг. Қўришгунча... «Ёнариқ» колхозни партия ташкилотига оид маълумотлар, ҳужжатларни тайёрланг, бугун иккаламиз шу хўжаликка чиқиб келамиз!— энди бўлим мудирига юзланди райком котиби.

Ҳакимовнинг яна авзойи бузила бошлаган эди. Бунинг сабабини Нозим Қозимович тушунди. У «Ёнариқ» колхозига оид ҳужжатларни титкилар экан, ёлғонга ўрганган тилини шу тобда кесиб ташлашга ҳам тайёр эди...

Шофёри бетоблиги туфайли, рулни Мухтор Ҳакимовичнинг ўзи бошқариб борарди. Чапдаст бу одамнинг дадил ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтирган Нозим Қозимовичнинг ёдида болалик йилларида ўқиган, эшитган эртақларидаги қаҳрамонлар жонланди. «Бир Гўрўғли бўлса, бу одамдан ортиқ эмасдир. Шиддатни, сиёсатни қаранг! Мен-чи?..» У ўзининг ожиз-нотавонлигидан қисинар, далилроқ бўлиш йўриғини ўйларди. Шу мақсадда ўтирган жойида уёқ-буёққа қимирлаб, томоқ қирди, бир-икки йўталиб қўйди...

Раис, партком котиби, колхоз каттаконларидан яна уч-тўрт киши катта кўчада кутиб туришган экан. Қоратоев ғоят шод. Қолхоз-совхозларга ҳар доим билдирмай бостириб борадиган Мухтор Ҳакимович телефон қилиб, «Ёнариқ»қа чиқишини лутфан айтди! Бу — яхшиликдан нишона эмасми?! Қолхоз идораси атрофлари зудлик билан супуриб-сидирилди, хоналар ювиб-тозаланди, ҳатто кўчаларга сув сепиб қўйилди.

— Бош агроном кўринмайди?— сўради Мухтор Ҳақимович қабулхонага кириб ўтиришгач.

— Шу ердаман,— деди қоратўри, жиккаккина, ёши ўтинқираб қолган киши ўрнидан туриб.

— Бош агроном Бозорбой Омонов эмасми?

Шу заҳоти барчанинг хаёлидан бир фикр ўтди: «Райком котиби Бозорбойни танир экан-да». Орага чўккан ноқулаи сукунатни колхоз раиси бузишга журъат этди:

— Бўшаб кетганига анча бўлди.

— Нега энди? Олий маълумотли мутахассис, ўз ишининг жонкуяри, бунинг устига шу қишлоқ фарзанди бўлса.. Ёки бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бердими?! — ажабланганини яширмасди Мухтор Ҳақимович.

— Вазифасини эплай олмай, бўшаш учун ўзи ариза ёзиб берди.— Колхоз раиси бу кўнгилсиз суҳбатдан қутулишни истар, мавзунини тезроқ бошқа томонга буришни кўзларди.— Партия ташкилоти котибини сўраган эдингиз, мана, топтириб келдик.

— Дарвоқе, Омонов коммунист-ку, балки бўшаш сабабини сиз айтиб берарсиз,— партком котибига юзланди Мухтор Ҳақимович.

— Қечирасизу ўзингиз районимизга яқинда келган бўлсангиз, Бозорбойни қаёқдан танийсиз?— саволга савол билан жавоб қайтарди колхоз партком котиби.

Мухтор Ҳақимович кулумсираганча бир оз индамай ўтирди. «Ноўрин савол»дан айниқса колхоз раиси хижолатда қолган эди.

— Савол ўришли. Сабаби, ярим йилча аввал ўтказилган партия-хўжалик активида на колхоз раиси, на партком секретари бош эди,— изох берди райком котиби.— Шу фурсатдан фойдаланиб, бош агроном ўзини қийнаб юрган масалаларни мажлис аҳлига ҳавола қилди. Унинг гаплари ҳатто бизнинг ҳам кўзимизни очиб қўйди. Ёшлик қилибди-да...

— Ёшлик қилганда қандоқ!— Мухтор Ҳақимовичнинг гапини ўз билгича тушуниб, юрагида йиғилиб ётган «дард»ларини бир бошдан гапира кетди Қорабой раис.— Нақ довдир бузоқнинг ўзгинаси! Бир қарасак — ток кўмишимизга қарши чиқади, бир қарасак — ер очишимизга тўғаноқ бўлади. Яна алланимабалоларни ковлаштиравериб, ҳамманинг бошини қотириб юборди. Битта нобоб бузоқ бутун подани булгатар, деб бежиз айтишмас экан. У бола расво қилган ишларни ҳозирги агрономимиз энди-энди изга соляпти. Буям мутахассис, аввал бир неча йил колхозимизда бош агроном бўлган, кейин мактабда биологиядан ўқитиб юрарди. Энди... тасдиқдан ўтказиб олсак...

— Сафсем ўпкаси йўқ болаякан. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, бизнинг ишларгаям тумшуқ суқиб, ҳаммаёқни чалкаштирворди,— раиснинг гапини қувватлади шоп мўйлов инженер.— Устига-устак, муштумзўрлигини айтмайсизми?!

— Жа унчаликмас-да, сал оғизга қараб гапирайлик!— ўрнидан шахт турди йирик гавдали колхоз партком котиби.— Тўғрисиини айтганда, ишдан бўшатиш ўрнига ундан ўрганшимиз, ўрнак олишимиз керагиди...

Ҳамма жим, кескин вазият юзага келган эди.

— Бозорбой Омонович ҳозир қаерда ишлаяпти?

Мухтор Ҳақимовичнинг бу саволи кимга қарата айтилгани маълум эмасди.

— Тоғ оралигидаги бир қишлоқда, номи Найзонмиди, Шайдонмиди.. Чамаси, тоғаси ўзи яшайдиган жойга олиб кетган,— деди партком котиби катта кафти билан йўғон бўйинини силаб.

— Нега аниқ билмайсиз, ахир партия ҳисобини ҳам кўчиргандир?— унга тикилди Мухтор Ҳақимович.

— Бунақа машмашаларни мен қайдан билай?!

Партком котиби сочи қирдирилган тақир бошини бир-икки сийпалади-да, яна дўпписини жойига қўндириб қўйди. Чамаси, уни бу суҳбат жудаям зериктириб, безор қилиб юборганди. Партком котибидан «теша тегмаган» жавобларни эшитган Нозим Қозимович турган жойида қунишиб, суйри боши пастга тушиб борарди. Мухтор Ҳақимович иш фаолияти давомида партия ишида кўп чалкашликларга дуч келган, аммо бунақасини ҳеч учратмаган эди.

— Қани, кабинетингизга бошланг, партия ишлари билан танишиб чиқайлик-чи,— деди у партком котибига.— Лоақал мажлис қарорлари, партия ҳужжатлари бордир?..

Партком котиби тоқатсизлик ва хижолатдан кўзлари қизариб, райкомнинг биринчи котибига тик қаради.

— Сизга очингани айтийми: бу азобга йўлиққанамга икки йил бўлди,— дангал гап бошлади у.— Ўзим қачонлардир, бир амаллаб ўн иккинчи битирганман. Бутун ёшлигим колхоз техникаси ичида ўтди, ажабтовур механизатор эдим. Коммунист бўлганимдан кейин ғаллачилик бригадасига бошлиқ қилиб кўтаришди. Иш уйқаш экан, одамлар билан тил топишиб ишлашиб кетдик. Бригадани ўн беш йил бошқардим, план тўлмаган йил бўлган эмас. Орден-медаллар беришди, ҳаммаси учун раҳмат. Бироқ, мана Нозимни юзи-қўзи, ёлғон гапирсам туф бетингга десин. Ўзи ҳамқишлоғим, тенгқурим, дўст бўлиб туриб, душманни ишини қилди. Икки йил бурун, қўярда-қўймай, ранс иккаласи бўйнимга шу бошоғриқни юклашди. Мен сизга ўғилбола гапни айтсам, Мухторжон, партия ички ишини ҳозиргача билмадим, бундан кейин ҳам ўрганолмасам керак. Икки йилдан бери, ол вазифангни, бригадага, бўлмасам, оддий механизаторликка қайтар, дейман, сира кўнмайди-да! Мана, Нозимни бетига айтаман, ҳар йили райкомдан текширувчи юборади. Текширишга келган шўринг қурғур бу ердаги партия ҳужжатларини тартибга солиш учун қон бўлиб ишлаб ўтиради. Кейин билсам, шу пайтда областдан текширувчи комиссия келаётган бўлар экан. Тўғри, Нозим дўстим мени ўзинча суяйди, ёрдам кўрсатади. Ахир, қўлимдан келмайдиган иш учун қачонгача суяйди, қачонгача айбимни бекитади? Ўртоқ Ҳақимов, келганингиз жуда яхши бўлди-да, шу азобдан бугуноқ мени қутқариб кетинг! Ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам қийнаб юришимнинг нима кераги бор?! Аслида бу ишлар Бозорбойдақа билимдон йиғитларга лозим эди, бўз болаин бекорга увол қилишди.